

КАСБИМ МЕНИНГ – ФАХРИМ МЕНИНГ!



Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар
«Bilim» ахборот-кутубхона маркази директори

In the article describe as a result of the positive effects of reforms in the information and library sphere in our country, the information and library center "BILIM" in Tashkent city has been established on the initiative of the President of the country to establish new libraries named after A. Kadyri and Chulpon in Almazar district. Also, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 7, 2019 PP 4354 "On further improvement of information and library services to the population of the Republic of Uzbekistan" states that librarians are proud of the fact that the annual "May 21st Librarian's Day" is celebrated.

Бугун ёшларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишлирни юксалтириш мақсадида, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги»ги ПҚ-3271-сонли қарори дастурил амал бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ушбу қарорида белгиланган вазифалар, бир томондан, азалдан китобсевар халқимиз, шу жумладан ёшларимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини кўтариш юзасидан ҳозирги замон талаблари даражасида жуда кенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, яқин вақт оралиғида Ўзбекистонимизнинг том маънода китобхонлар юртига айланишига хизмат қилмоқда.

Бевосита ислоҳатларнинг давоми сифатида юртбошимиз ташабbusи билан Олмазор туманида Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон номли кутубхоналар биноси қуриб битказилди. Асосий мақсад кутубхоналарнинг пойтахт мактаблари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, адиларимиз ижодини ёшларга чуқурроқ ўргатиш зарурлиги, аҳолининг дам олиши учун қуляйликларни замон талаблари даражасига ошириш, бир сўз билан айтганда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдан иборатdir.

2019 йил 13 январда бош вазир А.Арипов томонидан Тошкент шаҳрида ўтказилган тезкор йиғилиш қарорининг 31- бандига асосан ушбу кутубхоналар Тошкент шаҳар «Bilim» Ахборот-

кутубхона маркази тасарруфига берилиши белгиланганлиги пойтахт аҳолисига ва ёшларга юксак имкониятлар эшигини очади.

Айниқса, жорий йилнинг 7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши янада такомиллашириш тўғрисида” қарори қабул қилиши ва унда мамлакатимизда ахборот-кутубхона фаолияти соҳаси бўйича қуидаги мақсади ва вазифалари белгиланиши:

- ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий умумжаҳон тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш;



- ахолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш бўйича ижтимоий кафолатларни сифатли таъминлаш ҳамда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-хукукий базани такомиллаштириш;
- худудларда ахолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан янги бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш;
- кутубхона соҳасида давлат-хусусий шерикликни, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармогини ривожлантириш, кутубхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш (шу жумладан, пулли хизмат кўрсатиш) тезкорлигини ошириш учун электрон китобларни тарқатиш, интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- ахборот-кутубхона муассасалари хавфсизлигини ҳамда миллий ва жаҳон маданий меросининг бир қисми сифатида ахборот-кутубхона фондлари сақланишини таъминлаш;
- жамиятнинг ахборот маданиятини, тарихимиизга ва миллий маданиятга қизиқишни кучайтириш, ўқиш маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш каби долзарб масалалар ўз аксини топганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.



Мазкур қарорда 2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси, соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс марказининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-

нистрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига тегишли вазирлик, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Миллий кутубхона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказини ташкил этиш, ахолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш учун сифат жиҳатидан янги ва қуладай шарт-шароит яратиш, замонавий ахборот технологиялари асосида уларнинг илмий, таълим, ахборот ва маданий эҳтиёжларини қондириш, ахолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига ижтимоий мослашув ва реабилитация, мустақил таълим олиш ва мулоқот доирасини кенгайтириш усули сифатида ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яратиш, фойдаланувчиларга ҳар қандай ташувчиларда (босма, мультимедиа ва ракамли), шу жумладан Интернет тармоғи ёрдамида сифатли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, ўзининг ахборот-ресурсларини яратиш ва уларни доимий тўлдириб бориш орқали китобхонларга анъанавий хизмат кўрсатиш усулидан уларни замонавий ахборот-кутубхона хизматлари билан таъминлашга ўтиш ва ахолига масофадан ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни ривожлантириш ва модернизация қилиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Мазкур қарорга мувофиқ кутубхона соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида турдош олий ўқув юртларига “Кутубхона-ахборот фаолияти” йўналиши бўйича ўқишига қабул квоталари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш юклатилганлиги келажакда соҳамиздаги кадрлар таъминоти муаммосини бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур қарор билан вазирликлар ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шу жумладан ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналарни ташкил қилиш (такомиллаштириш), идоравий кутубхоналарнинг китоб фондини ва моддий техника базасини яратиш, янгилаш ва тўлдириш учун давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш белгиланди. Идоравий кутубхоналарнинг китоб фондини янгилаш ва тўлдириш учун зарур нашрлар рўйхатини хар йили шакллантириш механизмининг белгилангандилиги ҳам албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, республикамиздаги кутубхоналарчиларнинг азалий орзуси ушалади. Бизга Президентимиз катта совға инъом этдилар. 21-май Кутубхоначилар куни деб белгиланиб, бунда кутубхоначиларнинг кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш кўзда тутилганлигини ўқиб, бошимиз осмонга етди. Албатта бу биз – соҳамиз вакиллари учун катта эътибор, улкан рағбат, эътироф бўлибина қолмасдан, балки юксак масъулиятдир.

Биз давлатимиз раҳбарининг эътиборига жавобан, мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ошириш, китоб мутолаасини янада такомиллаштириш орқали аҳолимиз, айниқса ёшларимизни юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашга бор билим, малака ва тажрибамизни, жамики имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Хулоса ўрнида айтмоқ чиманки, энди ҳақиқий маънода “Касбим менинг – фахрим менинг”га айланди.

БАРҲАЁТДИР ОГАҲИЙ БОҒИ

(Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги олдидан)



Муяссар ДИЛМУРОДОВА,
Республика илмий педагогика кутубхонаси,
Илмий библиография бўлим бошлиғи

Abstract: This article dedicated to the 210th anniversary of the life and work of the poet, thinker, historian, translator Muhammad Riza Ogahi , his historical and translated works. The life of the poet, his scientific, historical and artistic heritage for generations testifies to his exceptional talent.

Purpose: To acquaint the growing generation with the scientific heritage of Muhammad Riza Ogahi.

Мамлакатимизда мумтоз адиларимиз ва улар яратган асарларни ўрганиш, улардаги миллатимизга хос бўлган чин инсоний фазилатларни улуғлаш, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, миллат-парварлик, бунёдкорлик, ўзига ишонч ва ғурур, меҳр-оқибатлилик руҳида тарбиялашга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Зоро, буюк ўтмишни билмасдан туриб буюк келажак қуриб бўйлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида, ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” қабул қилган қарори айни муддао бўйди.

Қарорда буюк адаб ва мутафаккирларимизнинг

нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар тамонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида, танловлар ўтказиш кўзда тутилган.

Танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари буюк мутаффаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонлари бўйича ўтказиш режалаштирилган.

Бу йил декабрь ойида мутафаккир шоир, тарихчи